

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1267-ҳадис

1267 - وَعَنْ حَبِيبَةَ الْبَاهِلِيَّةِ، عَنْ أَبِيهَا أَوْ عَمِّهَا: أَنَّهٗ أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ انْطَلَقَ، فَأَتَاهُ بَعْدَ سَنَةٍ وَقَدْ تَغَيَّرَتْ حَالُهُ وَهَيْئَتُهُ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ أَمَا تَعْرِفُنِي؟ قَالَ: «وَمَنْ أَنْتَ؟» قَالَ: أَنَا الْبَاهِلِيُّ الَّذِي جِئْتُكَ عَامَ الْأَوَّلِ، قَالَ: «فَمَا غَيَّرَكَ وَقَدْ كُنْتَ حَسَنَ الْهَيْئَةِ؟» قَالَ: مَا أَكَلْتُ طَعَامًا مُنْذُ فَارَقْتُكَ إِلَّا بَلِيلٍ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَذَّبْتَ نَفْسَكَ!»، ثُمَّ قَالَ: «صُمْ شَهْرَ الصَّبْرِ، وَيَوْمًا مِنْ كُلِّ شَهْرٍ»، قَالَ: زِدْنِي؛ فَإِنَّ بِي قُوَّةً، قَالَ: «صُمْ يَوْمَيْنِ»، قَالَ: زِدْنِي، قَالَ: «صُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ» قَالَ: زِدْنِي. قَالَ: «صُمْ مِنَ الْحَرَمِ وَاتْرُكْ، صُمْ مِنَ الْحَرَمِ وَاتْرُكْ، صُمْ مِنَ الْحَرَمِ وَاتْرُكْ» وَقَالَ بِأَصَابِعِهِ الثَّلَاثِ فَضَمَّهَا، ثُمَّ أَرْسَلَهَا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ [2428].

وَ«شَهْرُ الصَّبْرِ»: رَمَضَانُ.

1267. Мужийба Боҳилийя розияллоҳу анҳо отаси [ёки амакиси] розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«У (отаси ёки амакиси) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, сўнг қайтиб кетди. Бир йилдан кейин аҳволи ва кўриниши ўзгарган ҳолда яна келди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, мени танимаяпсизми?» деди. «Сен ким эдинг?» дедилар. «Ўтган йили олдингизга келган Боҳилийман», деди. «Нима учун ўзгариб кетдинг? Кўринишинг яхши эди-ку?» деган эдилар, «Ҳузурингиздан кетганимдан кейин фақат кечасигина таом едим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нима учун ўзингни азобга солдинг?» дедилар-да, сўнгра: «Сен сабр (Рамазон) ойининг рўзасини тутгин ва ҳар ойда бир кун рўза тутгин», дедилар. У бўлса «Зиёда қилинг, қувватим етади», деди. У зот: «Икки кун

рўза тут», дедилар. У эса «Яна зиёда қилинг», деди. У зот: «Уч кун рўза тут», деган эдилар, яна «Зиёда қилинг», деди. Шунда у зот: «Ҳарам ойларнинг баъзиларида рўза тутиб, баъзиларида тутмагин. Ҳарам ойларнинг баъзиларида рўза тутиб, баъзиларида тутмагин. Ҳарам ойларнинг баъзиларида рўза тутиб, баъзиларида тутмагин» деб, учта бармоқларини букиб-очиб ишора қилдилар».

Абу Довуд ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Йил бўйи рўза тутиш шариатга тўғри келмаслиги, ўзини ўзи азоблаш эканлиги.
2. Нафл рўза тутмоқчи бўлган одам Рамазондан бошқа ойларда бир кундан, икки ёки уч кундан тутса бўлиши.
3. Агар мазкур миқдорни ҳам оз деб билса ва ҳаром ойларда уч кун-уч кундан тутса, яхши бўлиши. Ушбу ҳадисни бу фаслда келтирилишининг сабаби Ражаб ойи ҳам ҳаром ойлардан бўлганидандир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида ойларнинг сони Аллоҳ осмонлар, ерни яратган куни ўн икки ой қилиб белгиланган. Улардан тўрттаси (уруш қилиш) ҳаром (ойлар)дир. Мана шу тўғри диндир. У (ой)ларда ўзингизга зулм қилманг», деган.

Ҳаром ойлар, дегани ҳурматли, улуғланган, уруш-жанжал, душманлик ҳаром қилинган ойлар, деганидир. Ана ўша ҳурматли тўрт ой-муҳаррам, зулқаъда, зулҳижжа ва ражаб ойларида иборатдир.

Демак, Ражаб ойида нафл рўза тутиш савобли ҳисобланади.

Машҳур саҳиҳ китоблардан бошқа ҳадис китобларида келтирилган ривоятларда ражаб ойида рўза тутганларга улкан савоблар ваъда қилинган. Иложини топган кишилар бу ойда нафл рўза тутсалар яхши бўлиши аниқ.

Манба: hadis.islom.uz



